



## Ислом Нури

Шайх Абдулазиз ибн Абдулфаттоҳ қори  
Ислом Нури таржимаси

Барча мактovлар Аллоҳгагина хос, У зотни мақтаймиз, Ундан мадад сўраймиз, Унга истиғфор айтамиз, Аллоҳдан нафсларимиз ва амалларимиз ёмонлигидан паноҳ тилаймиз. Аллоҳ кимни ҳидоят қилса уни адаштирувчи йўқ, кимни адаштирса уни ҳидоят қилувчи йўқ. Гувоҳлик бераманки, бир Аллоҳдан ўзга барҳақ илоҳ йўқ, У ёлғиз ва шериксиздир. Яна гувоҳлик бераманки, Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам У зотнинг бандаси ва элчисидир.

**«Эй мўминлар, Аллоҳдан ҳақ-рост қўрқиши билан қўрқинглар ва фақат мусулмон бўлган ҳолларингизда дунёдан ўтинглар!».** (Оли Имрон: 103).

**«Эй инсонлар, сизларни бир жондан (Одамдан) яратган ва ундан жуфтини (Ҳаввони) вужудга келтирган ҳамда у икковидан кўп эркак ва аёлларни тарқатган Парвардигорингиздан қўрқингиз! Яна ораларингиздаги савол-жавобларда ўргага номи солинадиган Аллоҳдан қўрқингиз ва қариндош-уруғларингиз (билин ажралиб кетишдан сақланингиз)! Албатта Аллоҳ устингиздан кузатувчи бўлган Зотдир».** (Нисо: 1).

**«Эй мўминлар, Аллоҳдан қўрқинглар, тўғри сўзланглар!** (Шунда Аллоҳ) ишларингизни ўнглар ва гуноҳларингизни мағфират қилур. Ким Аллоҳга ва Унинг расулига итоат этса, у буюк саодатга эришибди». (Аҳзоб: 70, 71).

Дарҳақиқат, сўзларнинг энг яхшиси Аллоҳнинг Китоби, йўлларнинг энг яхшиси Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўллари,



## Ислом Нури

ишларнинг энг ёмони (динда) янги пайдо қилинганидир. (Динда) янги пайдо қилинган ҳар бир иш бидъат, ҳар бир бидъат залолат, ҳар бир залолат дўзахдадир.

Аммо баъд...

Аллоҳ таоло айтади: (Унга рухсат берилгач, зинданга Юсуфнинг олдига кириб айтди): **«Юсуф, эй ростгўй зот, бизга еттига ориқ сиғир еттига семиз сиғирни еяётгани ҳамда еттига яшил бошок билан бирга турган бошқа қуриган (етти бошок) ҳақидаги (туш) таъбирини айтиб бергин. Шояд мен одамлар олдига қайтиб боргач (буни уларга айтиб берсам), улар ҳам билиб олишса»** (Юсуф: 46).

Ушбу ояти каримада улкан сабоқлар мавжуд бўлиб, мен улардан бир қисмини ўтган жумъа айтиб ўтгандим. Бугун ҳам уларнинг баъзилари ҳақида айтиб бермоқчиман.

Жумладан: Кўзланган мақсадга эришиш учун тингловчига лутф билан муомала қилиш саҳиҳ-соғлом услубдир. Туш таъбирини сўрагани келган ҳалиги одамнинг Юсуф алайҳиссаломга қандай лутф билан мурожаат қилганига эътибор беринг. Уни бу ерга жуда катта ҳожат ва жуда муҳим эҳтиёж тортиб келганди. Қаранг, у Юсуф алайҳиссаломга қандай мулойим оҳангда сўзламоқда: **«Юсуф, эй ростгўй зот»**. Унга яхши кўриниш учун исмини атаб чақирмоқда, унинг исмини айтиб чақириш билан гўё ўрталарида бўлган эски танишликка ва зинданда бирга ётган пайтларида бўлган кўнгил яқинликка ишора қилмоқда. Ортидан унинг энг улуғ сифатларидан бирини айтиб: **«эй ростгўй зот»** демоқда. Бундай чиройли муомала билан у Юсуфнинг кўнглига йўл топишга уринаётган эди, шояд унинг ҳожатини раво қилса ва



## Ислом Нури

унинг бу ерга келишидан бўлган мақсадини амалга оширса деб умид қилаётганди. Хоссатан, бу шундай вазият эдики, у ўзи зиндандан қутулиб чиқиб кетаётганида Юсуфнинг унга қилган илтимосини ва унга арз қилган ҳожатини, яъни: «**Ҳожангнинг олдида мен ҳақимда зикр қилгин** (зора, у мени бу зулмдан озод қилса)» (Юсуф: 42) деган талабини ўшандай ёқ эсидан чиқариб юборгани учун Юсуф ҳам унга айни ўшандай муомала қилишидан ва ундан юз ўгириб, талабини бажаришдан бош тортишидан қўрқаётган эди. Аммо, интиқом олиш пайғамбарлар ахлоқидан эмас. Балки, сабр, чиройли кечиримлилик ва ёмонликка яхшилик билан жавоб қайтариш уларнинг хулқларидан саналади. Пайғамбарларнинг имоми ва саййиди бўлган зот – Муҳаммад Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қавмлари Қурайш томонидан ўзларига ва сахобаларига етган жуда катта ёмонликларни қанчалар бағрикенглик ва нақадар олийжаноблик билан кечириб юборган эканларини эсга олинг. Хусусан, ўшанда, Макка фатҳи кунида барча қурайшликлар у зотнинг олдиларида бош эгиб, қўл қовуштириб туришган пайтда уларнинг бошлари устида қилич ўйнатсалар ва душманларини битта қўймай қириб ташласалар, бу уларнинг қилган жиноятларига муносиб жазо бўлган бўларди ва у зотни ҳеч ким бу учун маломат қилмаган бўларди. Лекин, ана шундай қулай фурсатда у зот уларга қаратса хитоб қилдилар: «Мен сизларга Юсуф ўзининг қавмига айтган сўзларни айтаман: Бу кун сизлар айбланмайсиз. Аллоҳ сизларни кечирсин. Боринглар, сизлар озодсизлар».

Худди шунга ўхшашиб, Аллоҳнинг пайғамбари Юсуф алайҳиссалом ҳам подшоҳнинг ҳалиги сокийси ўз ҳузурларига илтимос билан келган пайтида унинг ёмонлигини унутдилар, ёмонликка яхшилик билан жавоб қайтардилар ва унинг ҳожатини раво қилдилар. Фоят муҳим бўлган подшоҳнинг туши таъбирини айтиб бердилар ва шу туфайли



## Ислом Нури

жуда катта манфаатлар келишига сабаб бўлдилар. Бу ҳақда ишооллоҳ, ушбу оятлар тафсирида айтиб ўтилади.

Мазкур оятдан олинадиган сабоқлардан яна бири – улуғ зотларга нисбатан одоб сақлаш зарурлигидир. Дунёда анбиёлардан кўра ҳам улуғроқ ва мартабалироқ одамлар бўладими?! Пайғамбарлардан сўнг уларнинг издошлари бўлмиш уламолар энг улуғ шахслар саналишади. Қаранг, ҳалиги савол сўраб келган киши Аллоҳнинг набийси Юсуф алайҳиссалом ҳузурларида қандай одоб сақлаб турди, ваҳоланки, у афтидан у кишининг пайғамбарликларига иқрор эмасди. Шундай бўлса-да, уни юқоридагидек гўзал васфлари билан атаб: «Эй ростгўй зот» деб мурожаат қилди. Аввал номини айтиб чақириши, модомики ортидан бу улуғ сифати билан мурожаат қиларкан, у кишининг ҳақларида у томонидан қилинган нуқсон саналмайди. Аммо, исмларини айтиш билангина кифояланса эди, бу унинг тарафидан у кишига нисбатан беадаблик саналган бўларди. Шунинг учун ҳам, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни исмларини айтиб чақирган ва: «Эй Муҳаммад, бизнинг ҳузуримизга чиқ» деган аъробийларга Аллоҳ таолонинг қаттиқ танбеҳи нозил бўлган эди: «(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), **албатта** (сизнинг аҳли аёлларингиз истиқомат қиласиган) **ҳужралар ортидан туриб сизни чақирадиган кимсаларнинг кўплари ақлсиз кимсалардир**» (Хужурот: 4).

Аллоҳ таоло ислом умматига улуғларнинг имоми ва халқларнинг саййидига қандай хитоб қилиш одобини таълим бериб, қуйидаги оятини туширди: «(Эй мўминлар), **пайғамбарни чақиришни ўргаларингизда бир-бирларингизни чақириш каби қилмангизлар** (яъни у зотни ҳурмат-эҳтиром билан «Эй Аллоҳнинг пайғамбари», деб чақиринглар)» (Нур: 63). Уламолар ҳам худди



## Ислом Нури

шундай, улар пайғамбарларнинг ворислари, улар билан бизнинг ўртамиздаги воситалардир. Биз илмни, Аллоҳнинг Ўз пайғамбарларига нозил қилган вахийси илмини уламолар воситасида ўрганамиз. Шундай экан, умматнинг уламоларини ва имомларини ҳурмат қилиш, уларга нисбатан одоб сақлаш лозим. Зеро, бу иймоннинг белгиларидан, ақиданинг дурустлиги ва ақлнинг комиллигидан саналади. Лекин, фасодга тўлган бу замонда илмнинг бу муazzам чинорлари пойига болта урилаётганига, уларнинг ҳурматларини тўғри келган одам беодоблик билан оёқости қилаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз, атрофда уларни бундай беодобликдан ман қиласиган ва уларни тийиб қўядиган одам топилмай қолди. Ҳам ўтмиш, ҳам замонамиз уламоларининг обрўларига бемалол чанг солинадиган бўлиб қолди, улар ҳақида истаган одам истаганича сўзларни андишасизларча айтадиган бўлиб кетди. Уларнинг адабини бериб қўядиган ва бундай номаъқулчиликдан тийиб қўядиган одамларни кундузи чироқ ёқиб ҳам топиб бўлмай қолди.

Ана шундай фасод даврда, Аллоҳга ҳамлар бўлсинки, оммавий равишда исломий уйғониш ва ёшлар тарафидан шаръий илмларни ўрганишга, Аллоҳнинг динини ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларини ўрганишга кучли қизиқиш пайдо бўлгани ҳам кўриниб келмоқда. Аксарият ёшлар, алҳамду лиллаҳ, шаръий илм билан бирга одобни ҳам ўрганмоқдалар. Бирок, гуруч курмаксиз бўлмаганидек, улар орасида матолари ўтмас ва ақидалари бузук бўлган айrim ақлсиз ва ғўр ёшлар ҳам учрамоқдаки, улар ўтган ва замонамиздаги забардаст уламоларнинг обрўларига тил теккизишмоқда, уламоларнинг айбларини санаш билан ўзларининг ҳам, бошқаларнинг ҳам вақтларини беҳуда сарф бўлишига сабаб бўлишмоқда. Улар аҳли илм ҳам эмас, бор-йўғи илмга энди қадам



## Ислом Нури

қўйиб келаётган ёшлар, аслида. Шу ҳолларида улар бу умматнинг имомлари ва забардаст уламолари шаънида оғизларига келганини қайтаришмайди. Бугунги кунда биз ундей кимсалардан бирори бемалол тўрт мазҳаб имомларидан бирини чайнаётганини, ёки имом Нававий ё Шавконийни кофирга чиқараётганини эшигадиган, бироқ унинг адабини бериб кўядиган ва тилини тийиб қўядиган бир мард йўқлигини кўрадиган бўлиб қолдик. Бундан ҳам қизифи ва бундан ҳам ёмони, бу беадаблар ёки улардан баъзилари замонамизнинг халқларга тавҳидни ўргатган ва ёшларга тавҳидни таълим беришда жуда катта таъсири бўлган, соғлом ақида аҳлидан бўлган уламоларини ерга урмоқдалар, вақтларини уларнинг айб ва камчиликларини қидириш ва эълон қилишга сарфламоқдалар. Ҳатто, улардан бирлари шу даражада эс-ҳушидан ажрабдики, унинг тасмага ёзилган сўзларини ўз қулоғим билан эшиздимки, мазкур уламолардан баъзилари гарчи зоҳирда мувахҳид (тавҳид аҳлидан) бўлса-да, ботинда мубтадиъ (бидъатчи) эмишлар!! Ушбу жоҳил жоҳиллиги туфайли ўзини ҳатто пайғамбарлар саййиди Мұхаммад Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам ўзларини қўймаган ўринга қўйибди!! У зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам асҳобларига: «Мен фақат ўзим эшиптанимга қараб ҳукм қиласман», деганлар. Яъни, мен ишларнинг зоҳирига қараб ҳукм чиқараман, ботиннинг илми эса Аллоҳ азза ва жаллага ҳавола, деганлар. Бу беадаб ва беакл ёшлар ушбу уммат ичидаги энг хabis-нопок икки фирқанинг энг хabis сифатларини ўзларига қабул қилиб олишибди! Яъни, ҳавориж ва рофизий-шийъаларни ўзларига устоз тутишибди! Ўзлари билиб-билмай рофизийлардан ушбу умматнинг саҳобалардан тортиб то бугунги кунгача бўлган имомлари ва уламоларини сўкиш, ҳақоратлаш, шаънларини булғаш, уларга лаънат айтиш, айбу нуқсонларини санаш ва улар хусусида шубҳалар қўзғатиш касбини ўрганибидилар! Ҳаворижлардан эса гуноҳлар ва тойилишлар хусусида – агар улар айтаётган нарсани гуноҳ ва тойилиш деб аташ



## Ислом Нури

мумкин бўлса – ўта қаттиқўллик билан ҳукм чиқаришни, шошмаршошарлик билан одамларни коғир, фосик, бидъатчига чиқаришни, муноғиқ деб ҳукм қилишни таълим олибдилар! Бу сифатлар хаворижларнинг энг кўзга кўринган белгиларидан бўлиб, улар мусулмонларни чалғитиш ва уларнинг соғ ақидаларини бузишга, шунингдек уларнинг имомлар ва уламоларга бўлган ишончларига путур етказишга жуда катта таъсир ўтказган энг хabis фирқа ахлидирлар.

Анави хулуф<sup>[1]</sup>лар ўтиб кетган ва яшаб турган дин пешволарига, уламоларга тилларини теккизган эканлар, уларнинг кичикроқ уламоларга тил теккизишлари турган гап. Каттароқ ва обрўлироқ кишилар-уламоларга журъат қилган кимса улардан кичикроқларга ва оддий мусулмонларга журъат қилиши муқаррар. Хулуфлар ўзларининг заҳарли тилларини икки қарич қилдилар ва бошқаларнинг бу кескир тилларидан омон қўймадилар. Узоқ ва яқин тарих тажрибалари кўрсатиб турибдики; кимнинг қилмиши ва одати одамларга хусусан уламоларга тил теккизиш бўлса, улар улкан фитналар ўтини ёққанлар. Агар оқил кишилар уни ўчириб қолмаса, у хўлу-куруқни бирдан куйдиради. Бу ўтдан ўша хулуфларнинг қиликларига рози бўлиб турганлар ҳам саломат қолмайдилар.

**«Парвардигоро, гуноҳларимизни ва ишларимиздаги  
хатоларимизни мағфират айла, қадамларимизни событ қил ва  
бу коғир қавм устига Ўзинг бизни ғолиб қил!» (Оли Имрон: 147).**

**«Парвардигоро, Ўзинг бизларни ва бизлардан илгари иймон  
билин ўтган зотларни мағфират қилгин ва қалбларимизда  
иймон келтирган зотлар учун бирон ғилли-ғаш қилмагин.  
Парвардигоро, албатта Сен меҳрибон ва раҳмлидирсан» (Ҳашр:**



10).

Абуд-Дардо розияллоҳу анҳу ривоят қиласи, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Уламолар пайғамбарларнинг меросхўрлариридир. Пайғамбарлар динор ва дирҳамни мерос қолдирмадилар, лекин улар мана шу илмни мерос қилдилар. Ким уни олган бўлса, етарли улушни олибди.» (Ибн Можа ривояти, Албоний саҳих деган).

Абу Умома ал-Боҳилий розияллоҳу анҳу деди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга: бири олим ва иккинчиси обид бўлган икки киши ҳақида айтиб берилди. Шунда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Олимнинг обиддан афзалиги менинг сизлардан энг оддийларингиздан афзалигим кабидир» дедилар. (Термизий ривояти, ҳасан ҳадис)

Мана шундек буюк манзилат, улуғ мартаба ва олий мақом Пайғамбарларнинг рисолатларини етказишда жонбозлик кўрсатаётган олимлар учундир. Улар мана шу рисолатни етказишга ишончли кишилар. Одамларга тавҳидни ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам суннатини таълим бермоқдалар. Бунинг йўлида етаётган озор ва машаққатларни сабр ва матонат билан кўтармоқдалар. Пайғамбарларнинг йўли узра сабот билан бормоқдалар. Ҳой мусулмон, сен ўша уламолардан биронтасини камситган ҳолингда Аллоҳнинг хузурига боришдан эҳтиёт бўл! Бу жуда катта гуноҳ. Сен улардан биронтасининг обрўсига путур етказган ҳолингда Робингга йўлиқишдан сақлан! Сен тилингни саҳобалардан тортиб то бугунги кунгача мавжуд уламоларга теккизишдан сақлан, чунки уларнинг ҳаммаси Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам сифатлаган меросхўрлардир.



## Ислом Нури

Салафлар уламоларга нисбатан ўзларини ўта одобли тутиб, қаттиқ ҳурмат қилганлар. Ҳофиз Ибн Абдулбар “Илм ва унинг фазли” номли асарларида Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривояти қиласида у зот дедилар: “Мен Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳудан Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга қарши тил биритирган икки аёллари ким бўлганлигини сўраш учун муносиб пайт пойлаб икки йил юрганман”. Бошқа ривоятда дейдилар: “Мени бу нарсадан Умар розияллоҳу анҳунинг ҳайбатлари тўсиб турарди”. Вақти келиб бир кун Умар розияллоҳу анҳу ҳаж ёки умра нийятида сафарга чиқдилар. Мен ҳам бирга сафарга чиқдим. Марриз-Захрон номли жойга етганимизда, қазои ҳожат учун чиқа туриб менга: бир обдаста сув олиб орқамдан юринг, дедилар. Мен обдастани олиб ортларидан эргашдим.

Ҳожатларини ўтаб келгач, мен у кишига сув қуийб бериб турдим. Шу аснода савол бериш учун фурсат топилди. Эй Амирул-Муъминин, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга қарши чиққан икки аёл кимлар эди? деб сўраётгандим, гапимни тугатмасимдан туриб, Оиша ва Ҳафса розияллоҳу анҳумо, деб жавоб қилдилар.”

Сиз мана бу олий одобга қаранг. Йиллаб Умар розияллоҳу анҳудан ана шу икки қарши чиққан аёл ҳақида сўрашга тайёрланиб, одоб сақлаб юрибди. Одоб илмдан аввал. Анави хулуфлар билиб олсинлар; илмни беадаблик билан олиб бўлмайди. Одоб илмдан аввал, одобсиз илм эгасига фойда бермайди. Билакс, уни ҳалокат жарликлари сари ва бидъатларга етаклайди. Аллоҳ сақласин!

Олимлар билан одоб билан муомала қилиш керак. Агар улардан фойдаланмоқчи бўлсанг, одоб сакла. Уларнинг ўтганларини ѿ яшаб турганларини ҳурмат қил

Алий ибн Аби Толиб розияллоҳу анҳу айтади: “Олимнинг ҳузурида



## Ислом Нури

бўлсанг кўп савол берма, жавобини қайсарлик билан қабул қилма, чарчаган бўлса мажбур қилма, турмоқчи бўлса этагидан ушлама. Асло унинг сирини ёя кўрма, унинг олдида бирорни ҳеч қачон ғийбат қилма. Унинг хатосини излама. Агар у хато қилган бўлса, узри мақбулдир. У Аллоҳнинг буйруқларини адо етар экан сен уни улуғла, қаттиқ ҳурмат қил. Ундан юқорида ўтирма, агар унинг бирон ҳожати бўлса, сен биринчилардан бўлиб унинг хизматига шошгин. (Иbn Абдулбар “Илм ва унинг фазли” 1/519 ва Хатиб ал-Бағдодий “Ал-Фикҳ вал мутафаққих” 382-бетида келтирган).

Саҳобаларнинг, салаф солиҳларнинг илм ва уламоларга нисбатан одоблари мана шундай бўлган. Эй мусулмон, уламолар илмларининг баракасидан насибадор бўлишни истасанг уларнинг мажлисларида қатнаш, бирок, юқоридаги одобларни ёдингдан чиқарма! Ҳасан ибн Алий ибн Аби Толиб розияллоҳу анхумо ўғлига деди: “Эй ўғилчам, уламолар билан ўтиранг, гапиришдан кўра тинглашга ҳарисроқ бўл. Сўзлаш одобини ўрганганингдек тинглаш одобини ҳам ўрган. Гапи чўзилиб кетса ҳам то сўзини тугатмагунича бирорнинг гапини бўлма.” (Иbn Абдулбар “Илм ва унинг фазли” 1/519 да келтирган).

Эй парвардигор, бу умматнинг имомларидан ва барча уламоларидан рози бўл, уларнинг барчаларини раҳматингга ол. Уларнинг фақиҳлари, муҳаддислари, муфассирларию адибларини Ўз марҳаматинг ила бурка. Хусусан тўрт имом: Абу Ҳанифа, Молик, Шофеий ва Аҳмадларни раҳмат қил. Эй Аллоҳ уларга бизнинг ва бутун Ислом умматининг номидан яхши мукофотларни бергин. Омин.

<sup>[1]</sup> Араб тилида авлод ва ўринбосарларга халафун ахлафун ва халфун хулуфун (бирлик ва кўпллик) калималари ишлатилади. Халафун ахлафун яхши авлодга халфун хулуфун эса ёмон авлодга ишлатилади.



## Ислом Нури

Куръони Каримда халфун калимаси икки маротаба келган ва ҳар иккисида ёмон авлод учун ишлатилган. Хутба асносида беақллик ва беадаблик билан зикр қилинган кишиларни хулуфлар деб аталди. Бу ном оятларда зикри келган ёмон авлодларга уларни қиёслаб қўйилди. Аллоҳ таоло айтади: «**Сўнг уларнинг ортидан намозни зое қиласиган ва шаҳватларга бериладиган кимсалар ўринбосар бўлдилар.** Энди у (ўринбосарлар) албатта ёмонликка (яъни ёмон жазога) йўлиқурлар.» (Марям: 59) **Улардан сўнг Китобга** (Тавротга) **меросхўр бўлган бир авлод келдики, улар бу тубан** (дунё) **нарсаларини** (ҳалол, ҳаромлигига қарамай) **оладилар** ва «**Албатта бизлар мағфират қилинурмиз**», дейдилар.» (Аъроф: 169).